

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил “22” январь

1/22 - сонли

Жондор шахарчаси

*Жондор туман электр таъминоти корхонаси* (кейинги ўринларда “Корхона” (энергия билан таъминловчи ташкилот номи) деб юритилади) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари О.Усмонов бир тарафдан ва Жондор туман 2-сон касб-хунар мактаби (Энергия истеъмолчисининг номи) (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ш.Тешаев иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар хакида туздилар:

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармок орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул килинган Энергия ҳакини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташкари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида катнашувчи ҳакикий максимал кувват (кейинчалик “Кувват”) учун ҳак тўлади.

## II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 4000 кВт ташкил килади.

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий кувват нахси 450 сўм 00 тийинни ташкил килади. Шундан, бюджетдан ташкари маблағлари ҳисобидан 1499850 ( )  
Бюджетдан ташкари маблағлар ҳисобидан \_\_\_\_\_ сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчи Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) миқдори Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб килишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат килиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат киёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли карорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг биринчи чораклик минимал ҳажми 717кВт.с.ни ташкил килади.

## III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб килиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аникланади ва ҳак тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига караб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва кувватнинг ҳакикий сарфини аниклаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми нархини 100 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳакикий истеъмол килган Энергия ва Кувват учун шартнома шартларидан келиб чиккан ҳолда ҳисоб-китоб килади ва тўлик тўловларни навбатдаги ой бошлангунга кадар амалга оширади. Истеъмол килинган Энергия ва Кувват учун Иsteъmolchinинг карздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол килинганилиги учун жарима ва пения мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари карздорликни тутатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санаасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб ракамларини ҳамда амалда истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисботни расмийлаштиради (5-илова).

Хисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади. Истеъмолчида турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда хисоб-китоблар хар бир обьект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг карздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк оркали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳақида хисобот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзб олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол килинган Энергия учун кайта ҳисоб-китоб килгани ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибида тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва Энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гурухига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августандаги 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гурухлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор килиши ва томонлар янги таърифлар бўйича кўшимча келишув тузишлари лозим. Кўшимча келишув тегишли Газначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдорига кўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир кисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида катнашувчи юкламаси кийматига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўринни тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуктаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортик бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шахар транспорти, кишлок хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи хар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиширув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишнинг Автоматлаштирилган тизимида уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган хажмдан кам иsteъmol килинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташкари электр кабул килгичлар уланган ёки Энергия бошкача усулда ўғирланган холларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилди ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб кўйиш хукукига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охирги марта ўзgartiriлган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр кабул килгичларнинг уланган куввати ва Истеъмолчининг 4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи кайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона З иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун кўшимча тўлов хужжати ёзб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини тақдим қиласи.

Истеъмолчи кўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

#### IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб кўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танкислиги холларида ягона электр энергетикаси тизимининг баркарор паралел ишланиши таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда иsteъmolchilarнинг тартибсиз узиб кўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб кўйиш жадваллари ишлаб чиқиласdi.

Узиб кўйиш жадваллари Истеъмоchi томонидан Корхона вакилларидан узиб кўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огохлантиргандан кейин Энергия ва Кувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи микдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги обьектларидағи аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик, кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда. Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирумасдан, бирок уни дархол хабардор килган холда, Энергия узатишда узб кўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Қуидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узб кўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик хукуқига эга:

- а) Энергия (Кувват) шартномавий микдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
- б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол килинганда;
- в) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни хисобга олиш приборлари бўлмаганда;
- г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;
- д) Корхона тармокларига электр кабул килгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган микдордан ошириб юборилганда;
- е) электр кабул килгичлар хисобга олиш приборларидан ташкари уланганда ёки Энергияни хисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан хисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;
- ж) Корхона вакили хисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узб кўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида карздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳак тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда. электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узб кўйиш эса – факат суд карорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юкорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармокларига кайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиқлаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлик харажатлар копланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 5.1 Истеъмолчининг хукуқлари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб килиш;
- б) Энергияни электр тармокларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган микдорда етказиб беришни талаб килиш;
- в) электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада саклашни талаб килиш;
- г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги обьектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узб кўйишгача камида 3 сутка олдин огохлантиришни талаб килиш;
- д) Энергиянинг тегишли микдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий микдорини ўзгартиришни талаб килиш;
- е) Олдиндан ҳак тўланганлигидан катъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб килиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

### 5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) келгуси хисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳак тўлаш;
- в) Электр курилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килинида Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- г) 7-илювага мувофиқ компенсация курилмалари иш режимига (реактив энергия ва кувват истеъмоли) риоя килиш;
- д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан оширилсан.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуидагиларни хисобга олиши ва хабар килиши шарт:

- истеъмол килинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий микдорини;
- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳар суткали сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақикадаги сарфи.

### 5.3 Корхона қуидаги хукукларга эга:

- а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб килиш;
- б) хисоб-китоб даврининг ҳар кайси кунига ўзаро хисоб-китоблар солишиштрув далолатномасини тузиш.

### 5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

- б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етка бериш;
- в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тұхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тұғрисида маълум килиш;
- г) жорий этиладиган чеклашлар ҳакида, чеклашнинг ҳажми ва вактини күрсатган ҳолда, ўз вактида хабар килиш;
- д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли микдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақидағи аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечитирмасдан күриб чиқиши, уларни бартараф этиши ва батафсия жавоб юбориш;
- е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилген таклифларига мувофик 5 кун муддатда ойлик шартномавий микдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий микдорини күпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тұғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини күрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар килиш.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айбор тараф томонидан иккинчи тарафга тұланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома микдорининг 5 фоизидан ортик микдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи микдорида пеня тұлайды, лекин пеняниңг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тұланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажарышдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вактида ҳақ тұламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тұлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) микдорида пеня тұлайды. Бунда, пеняниңг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманиңг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада күрсатилган микдорга нисбатан 5 фоиздан ортик Энергия истеъмол килганды, ҳисоб-китоб даври учун шартномада күрсатилгандан ортик истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифининг 50 фоизи микдорида Корхона фойдасига жарима тұлайды (6.5-бандда күрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тұловни амалга ошириш шарти билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечитирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, Энергия истеъмоли ёки Қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганилиги учун;

б) захира манбанин автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлеш вактида Энергияни етказиб беришдаги танаффулар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланиши соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган күрсаткичдан 5 фоиздан ортик бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифининг 50 фоизи микдорида кўшимча ҳақ ундирилади.

Кўшимча Қувватга ҳақ тұланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортик Қувватдан фойдаланиш хукукини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдинни олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғокчилик, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

## VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Фазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофик, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатта тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатта ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охири ойи мобайнода тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатта узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблагъ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабр 2022 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл кўйилади.



7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли карори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари” ва бошкада конун хужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиккан тақдирда, тарафлар, коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Корхона

Жондор туман Электр таъминоти корхонаси  
Почта манзили: Жондор туман  
Шодлик кучаси -11-уй  
Хисоб раками 22636000600487303325  
Банк коди (МФО) 00086 Бухоро  
Саноат курилиш банк  
СТИР (ИНН) 201188400  
Телефонлар: 58-21-885  
Статистик кодлар:  
МИОБТ (СОАТО) 1706246  
( ОКОНХ ) 11100



О.Усмонов

Истесьмолчи

Жондор туман 2-сон касб-хунар мактаби  
(бюджетдан маблаг олувчининг номи)  
Манзил: Жондор туман  
Мустакиллик КФЙ Арабхона кишлоги  
Тел./факс 58-36-106  
Газна/х<sup>1</sup> 23402000300100001010  
Банк номи, Тошкент шахар Марказий банк ББХКМ  
МФО 00014 ИНН 201807927  
ОКОНХ 92120  
ш/х<sup>2</sup> 100010860062467092901079002  
х/р<sup>3</sup>

Узбекистон Республика Молия вазирлиги Ғазначилиги –банк номи.  
Тошкент шахар Марказий банк ББХКМ  
МФО 00014 ИНН 201122919




Рахбар П.Решаев

М.Ў.

### Хукукий хулоса

Ушбу шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 437-456 моддаларига асосан  
Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –хукукий базаси тұғрисида” ги  
1998 йил 29 августдаги конунига биноан Ўзбекистон Республикасининг бошкада Конунлари ва норматив хужжатлари  
асосида шартномани имзолашга розилик билдираман.

ХУКУКШУНОС:



Ш.Ахмедов

(бюджетдан маблаг олувчи ташкилот  
хукукшуносининг Ф.И.О)

Лиц. №006002.

Бериган санаси: 01.04.2018 йил

Электр таъминоти бўйича  
намунавий шартномага

<sup>1</sup> - тегишли ғазна хисобвараги кўрсатилади.

<sup>2</sup> - тегишли бюджетдан маблаг олувчининг Ғазначилик бўлинмасида очилган шахсий хисобвараги (ёки шахсий хисобвараклари) кўрсатилади.

<sup>3</sup> - Бюджетдан маблаг олувчининг ғазначиликдаги бюджетдан ташқари маблаглари бўйича шахсий хисобвараги ёки банкдаги талаб килиб олингунча депозит хисобвараги кўрсатилади.



## Етказиб берилаётган Энергия (Кувват)нинг микдори

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_
2. Фаолият турі
3. Истебъмчининг электр курилмаларини уланган қуввати: \_\_\_\_ - \_\_\_\_ кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича): \_\_\_\_\_
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича амалдаги тоифаси: \_\_\_\_\_

	Талаб этилган Кувват, кВт	Энергия микдори, минг кВт.с	Жумладан тариф гурухлари бўйича				
			1	2	3	4	5
Йил, жами I чорак	3333 3333	1499850 1499850					
Январ	1333	599850					
Феврал	1333	599850					
Март	667	300150					
II чорак							
Апрел							
Май							
Июн							
III чорак							
Июл							
Август							
Сентябр							
IV чорак							
Октябр							
Ноябр							
Декабр							

2-устун Икки ставкали истебъмчилик томонидан тўлдирилади.

Имзолар:



Электр таъминоти бўйича  
намунавий шартномага  
2-илова

Энергияни хисобга олиш приборларини ўрнатиш жойлари ва характеристикалари.

Истеъмолчи, субистеъмол- чининг хисобга олиш приборларин и ўрнатиш жойлари. Тўри ва кучланишни (кВ) кўрсатган ҳолда	Хисобга олиш прибор- ларининг тури (актив, реактив), (номинал ток)	Хисобга олиш прибор тартиб раками	Хисобг а олиш прибор ларидағ и клемма копкоғ и-нинг тамға раками	Ўлчов трансфор- маторларининг ўзгариш коэффици- ентлари		Хисоб- лаш коэффи- ти	Шартно- мани тузиш вактида хисобга олиш прибор- ларининг кўрсаткич- лари	Тариф 1кВт.с/сўм 1 кВАр.с/сўм	Истеъмол- чининг фаолият турининг соҳа бўйича коди
				Ток	Кучл ани ш				
Шинг 0,4 кВ	DV2-541	01843416		300/5	--	60		450 сўм	

Имзолар:

Истеъмолчи

М.Тешаев.



Электр таъминоти бўйича  
намунавий шартномага  
З-илова

**ДАЛОЛАТНОМА**

хизмат кўрсатиш чегаралари ҳамда тармоқлар ва электр жиҳозларининг эксплуатация ҳолати учун жавобгарликни  
белгилаш бўйича

1. Истеъмолчининг балансида қўйидаги электр курилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари \_\_\_\_\_

б) кабел линиялари \_\_\_\_\_

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари \_\_\_\_\_

**ГКТП №593/400 КВА**


2. “Истеъмолчи” ва “Корхона” ўртасидаги ажратиш чегараси электр курилмаларининг баланс мансублиги бўйича  
аникланди:

3. Улардан:

а) Қўйидагиларга «Истеъмолчи» томонидан хизмат кўрсатилади **1000 вольт ва 1000 вольтдан юкори** электр  
курилмаларига

б) Қўйидагиларга Электр таъминоти корхонаси (ТЭТ) томонидан истеъмолчи билан шартнома бўйича хизмат кўрсатилади  
ГКТП №593 ни **10 квлик хаво линиясининг №6-17 таянчни уланиши нуқтасидан бошлаб** истеъмолчи хизмат  
курсатада

4. Электр курилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик чегаралари қўйидагича белгиланади:



Электр таъминоти бўйича  
намунивий шартномага  
4-илова

ДАЛОЛАТНОМА  
энергия исрофларини аниклаш бўйича

Энергияни ҳисобга олиш приборлари тармокларнинг бўлининг чегарасида ўрнатилмаган бўлса, энергия исрофлари ҳисоб-китоб йули билан тармокларнинг баланс мансублигини ҳисобга олган ҳолда аникланади, бу:

а) \_\_\_\_\_ кВА кувватли трансформаторларда актив энергиянинг ҳар ойдаги исрофлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизни, реактив энергиянинг исрофлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизни ташкил қиласди;

б) Истеъмолчининг кабел линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесими \_\_\_\_\_ мм;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ, \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизни ташкил қиласди;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесими \_\_\_\_\_ мм;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ, \_\_\_\_\_ кВт.соатни ёки \_\_\_\_\_ фоизни ташкил қиласди;

Ойлик йўкотилиш микдори ҳисбот давридаги энергия истеъмоли микдорининг \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади.

Корхона бир кунда 6 соат бир ойда 24 кун ишлайди.

Сменалар бўйича юкламалар нисбати фоиз ҳисобида I   , II   , III   

